

## ПРЕСС-РЕЛИЗ

30 август 2017 йил

Тошкент ш.

Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, оммалаштириш ҳамда уни умуммиллий ҳаракатга айлантириш фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг баркамол вояга етишида муҳим омил ҳисобланади. Шу боис юртимизда жисмоний тарбия ҳамда спортга давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Пенчак-Силат федерацияси 2017 йил учун тасдиқланган федерация тақвим режасига асосан 9 сентябрь куни “Бунёдкор” стадионида Микст силат бўйича “ASIAN FIGHT – 2017” халқаро турнирини ташкил этмоқда.

Мазкур тадбир Ўзбекистон нуфузини дунё миқёсида янада оширишга, етишиб келаётган ёш авлодда соғлом турмуш тарзи, хусусан спортга муҳаббатни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро турнирда Пенчак Силатнинг профессионал йўналиши бўйича Ўзбекистон ва хорижлик спортчилар иштирокида 9 та жанг бўлиб ўтиши режалаштирилмоқда. Ўзбекистон шарафини халқаро ареналардаги номдор спортчиларимиз – уч карра жаҳон чемпиони Маҳмуд Муродов, икки карра жаҳон чемпиони Анвар Бойназаров, жаҳон чемпиони Ҳасанхон Баратов, жаҳон чемпиони Муҳаммадали Тоштурғунов, икки карра жаҳон чемпиони Жасур Мирзамуҳаммедов, икки карра жаҳон чемпиони Улуғбек Умаров, жаҳон чемпиони Исроилжон Расулов, жаҳон чемпиони Аюбхон Камолов ва жаҳон чемпиони Аҳлиддин Мирзадавлатовлар ҳимоя қилишади. Уларга қарши жаҳон ва олимпиада чемпионлари бўлган хорижлик спортчилар рингга кўтарилади.

Мусобақа мавқеини янада кўтариш, бутун дунё спорт ишқибозлари диққат-эътиборини юртимизга қаратиш мақсадида фахрий меҳмонлар, хусусан жаҳон кино ва жанг санъати устаси Жан Клод Ван Дамм, спорт устаси Жеф Монсон ва бошқалар тақлиф этилган. Мусиқий совға эса, Россия эстрада гуруҳи, “Олтин граммафон” соҳиби “Лок Дог” гуруҳидир.

Шунингдек, халқаро турнирдан олдин фахрий меҳмонлар иштирокида алоҳида дастур асосида ёш спортчилар ва киноактёрлар учун мастер-класслар ва матбуот анжумани ўтказилади.

Халқаро турнир Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия спорт давлат кумитаси, Ўзбекистон Республикаси Шарқ якка курашлари ва жанг санъати ривожлантириш маркази, Ўзбекистон Пенчак-Силат федерацияси ва “Sunrise Entertainment” МЧЖ билан ҳамкорликда ташкил этилиб, унинг бош ҳомийси UZMOBILE компанияси. Турнир харажатлари ҳомий ва ҳамкор ташкилотлар ҳамда чипталар сотуви орқали қопланади. Ушбу тадбир Ватанимиз обрў-эътиборини жаҳон ареналарида янада ошириш, ёшларимизнинг спортга бўлган муҳаббатини мустаҳкамлаш учун хизмат қилади.

## ПРЕСС-РЕЛИЗ

30 августа 2017 г.

г.Ташкент

Забота о развитии физической культуры и спорта, укрепление здоровья подрастающего поколения — важнейшая составляющая социальной политики Узбекистана. Таким образом, в нашем государстве уделяется особое внимание совершенствованию данной сферы.

Федерация Пенчак Силат Узбекистана планирует провести 9 сентября в городе Ташкент Международный турнир Единоборцев по профессиональному Силату «ASIAN FIGHT 2017». Местом проведения данного грандиозного мероприятия был выбран центральный Стадион «Бунёдкор». В рамках программы мероприятия будут проведены 9 зрелищных поединков, в которых наши звезды единоборств сразятся на ринге с оппонентами из других стран.

В качестве почетных гостей, организаторами мероприятия были приглашены такие звезды мирового кинематографа, как Жан-Клод Ван Дамм, смешанных единоборств - Джефф Монсон, а также звезды Российской эстрады, обладатели музыкальной премии «Золотой Граммофон 2016», группа Los-Dog.

Касательно поединков, планируется матчевая встреча между спортсменами Узбекистана (трехкратный Чемпион Мира Махмуд Муродов, двухкратные Чемпионы Мира Анвар Бойназаров, Жасур Мирзамухаммедов, Улугбек Умаров, Мировые Чемпионы Хасанхон Баратов, Мухаммадали Тоштургунов, Исроилжон Расулов, Аюбхон Камолов, Ахлиддин Мирзадавлатов ) и представителями других стран, по правилам профессионального Силата (боевое искусство).

Надо отметить, что подобная матчевая встреча между сборной командой Узбекистана и сборной Мира, в которую вошли лучшие атлеты боевых единоборств, в нашей стране проводится впервые в таком масштабе. В надежде Организаторов в дальнейшем проводить подобные мероприятия регулярно, так как профессиональные поединки в единоборствах являются новой волной для нашего государства и в дальнейшем развитии приобретут большую популярность.

Помимо этого, гостям Турнира будет предложена обширная экскурсионная программа, для молодых спортсменов и актеров кино Узбекистана будет организованы мастер-класс от мировых чемпионов, а для представителей СМИ ряд пресс-конференций.

Организаторами данного турнира являются, Государственный комитет физической культуры и спорта, Федерация Пенчак Силат Узбекистана, Центр развития Восточных единоборств и боевых искусств Республики Узбекистан и ООО “Sunrise Entertainment”. Генеральным партнером турнира выступает компания UZMOBILE. Ими будет организована специальная акция, по итогам которой участнику дается уникальный шанс выиграть «золотой» номер UZMOBILE, который будет вручен победителю из рук самого Жана-Клода Ван Дамма.

PR-службы «ASIAN FIGHT 2017» и “UZMOBILE”